



20 20 у « 30 » сентябрь

№ Қ-522

« ___ » _____ 20__ г

Қумқўрғон тумани “Ўзбекистон” массиви
“Шерози” маҳалласидан “Barakali Toyloq
quyonlari” фермер хўжалигига “Қуёнхона”
қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/632-сон йиғилиш баёни, Қумқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 28 июлдаги 204/01-36-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/632-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Қумқўрғон тумани “Ўзбекистон” массиви “Шерози” маҳалласидан “Barakali Toyloq quyonlari” фермер хўжалигига туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 799қ-дала контуридаги 0,30 гектар яйлов ер майдони қуёнчиликни ривожлантириш мақсадида “Қуёнхона” қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Barakali Toyloq quyonlari” фермер хўжалиги “Қуёнхона” қурилишига ажратилган 0,30 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 4 308 654 (тўрт миллион уч юз саккиз минг олти юз эллик тўрт) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Қумқўрғон тумани ҳокимлиги (Р.Гаппаров) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботиغا тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов